

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019. P.01.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

---

**ШЕРМАТОВ ФАЙЗУЛЛО ТОШТИЛЛАЕВИЧ**

**БЎЛАЖАК ОФИЦЕРЛАРДА КАСБИЙ ЗЎРИҚИШЛАР НАМОЁН**  
**БЎЛИШИНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ**

**19.00.05 - Ижтимоий психология. Этнопсихология.**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD) по  
психологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
psychological Sciences**

**Шерматов Файзулло Тоштиллаевич**

Бўлажак офицерларда касбий зўриқишлар намоён бўлишининг ижтимоий-психологик омиллари.....3

**Шерматов Файзулло Тоштиллаевич**

Социально-психологические факторы проявления профессионального напряжения у будущих офицеров .....27

**Shermatov Fayzullo Toshtillaevich**

Social-psychological factors of the manifestation of professional stress in future officers .....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019. P.01.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШЕРМАТОВ ФАЙЗУЛЛО ТОШТИЛЛАЕВИЧ**

**БЎЛАЖАК ОФИЦЕРЛАРДА КАСБИЙ ЗЎРИҚИШЛАР НАМОЁН**  
**БЎЛИШИНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ**

**19.00.05 - Ижтимоий психология. Этнопсихология.**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/P257 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (Psi-ik.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ZiyoNet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мухамедова Дилбар Гафурджановна**  
психология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Жабборов Азим Мейликулович**  
психология фанлари доктори, профессор

**Арзиқулов Дилшод Неъматович**  
психология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Ички ишлар вазирлиги Академияси**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.P.01.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон миллий университети Ижтимоий фанлар факультети (5-қават, 511-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Бош ўқув биноси, “В” қисми, 2-қават, 217-хона. Тел.: (99871) 246-52-74; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**У.Д.Қодиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, психология фанлари доктори, профессор в.б.

**И.И.Рахимова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Н.С.Сафаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, психология фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳондаги ҳарбий-сиёсий вазият ҳамда минтақалардаги қарама-қаршилик, зиддият ва низолар, халқаро терроризм хавф-хатарлари тобора кучайиб бораётган бугунги кунда, кўплаб ривожланган давлатлар армияларидаги ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий ҳолати, жанговар шайлиги ва тайёргарликни таъминлаш мақсадида ҳарбий хизматчиларни замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар ҳамда ҳарбий-профессional билим ва кўникмалар билан қуроллантиришга асосий эътибор берилмоқда. Ҳарбий хизматчиларни ўқув ва жанговар фаолиятда юзага келадиган экстремал вазиятларда уларнинг руҳий барқарорлигини таъминлаш ҳамда ишониб топширилган қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалардан самарали фойдаланиш учун психологик тайёргарлик ўта муҳим омил ҳисобланади.

Дунё тажрибасидан маълумки, касбий зўриқишлар юзасидан олиб борилган илмий изланишлар кўплаб ривожланган давлатлар армияларининг диққат эътиборида бўлиб, мамлакат мудофааси ва хавфсизлиги ҳамда ҳарбий бошқарув учун масъул бўлган соҳа вакиллари бўлмиш офицерлардаги руҳий зўриқишлар ва уларни келтириб чиқарувчи ижтимоий-психологик омилларни тадқиқ этиш юзасидан кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бунда ҳарбий хизматчиларнинг руҳий тайёргарлигини мустаҳкамлашда психопрофилактика ва психокоррекция таъсир усулларининг самарадорлигини ошириш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда миллий армияни изчиллик билан ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, давлатимиз мудофаа қобилятини янада мустаҳкамлаш, ҳарбий кадрларни тайёрлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, "...ҳар бир аскар ва сержантда, офицер ва генералда, бутун шахсий таркибда миллий руҳ ва ғурур кучли бўлиши керак. Миллий руҳ – бу енгилмас кучдир"<sup>1</sup>. Мазкур вазифаларни амалга оширишда миллий армиямизнинг бошқарув корпуси – офицерларни психологик тайёргарлигини мустаҳкамлаш Қуролли Кучлар раҳбарияти олдида турган энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Юқорида эътироф этилган вазифалар доирасида бўлажак офицерларда касбий зўриқишларни келтириб чиқарувчи ижтимоий-психологик омилларининг муаммоларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги ПҚ-3898-сон "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори билан кучга киритилган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш Концепцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ-4447-сон "Ўзбекистон

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ш.М.Мирзиёевнинг Хафвсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишидаги вазифалари.

Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизмат ўташ тартибидаги низомини тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ахлоқий-руҳий таъминот Концепцияси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг 2019 йил 12 мартдаги 202-сон “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги кўшинларида тарбиявий ва мафкуравий ишлар органлари фаолиятини ташкиллаштириш бўйича Қўлланмани тасдиқлаш тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг 2019 йил 18 августдаги 797-сон “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги кўшинларида психологик ишларни ташкил этиш низомини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруқлари ва мазкур соҳа фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқотида муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тадқиқот мавзуси доирасида қатор хориж тадқиқотчилари ва мамлакатимиз психолог олимларининг муаммо борасидаги изланишлари мазмуни, уларнинг фикр ва мулоҳазалари ҳамда концептуал ёндашувлари назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Касбий фаолиятдаги зўриқиш ҳамда стресс турлари борасида хориж тадқиқотчиларидан М.А.Аrnold, S.M.Kosslyn, К.С.Peterson, S.F.Robert, M.G.Friedman, R.S.Lazarus, E.D.Panconesi, J.M.Violanti, S.F.Folkman, N.S.Pole, M.H.Anshel, R.J.Burke, N.A.Pole, Г.Селье, В.С.Мерлин, Ч.М.Сандерс, Дж. Уиткинларнинг илмий изланишларида кенг акс этган<sup>2</sup>.

Рус психологиясида зўриқиш ва стресс муаммосига оид тадқиқотлар Я.В.Апчел, М.А.Багрий, В.А.Бодров, Н.Г.Гаранян, С.К.Гремлинг, Л.Г.Дикая, Л.А.Китаев-Смык, А.Б.Леонова, Е.А.Колотильщикова, А.И.Шипилов, И.В.Грабовский каби тадқиқотчиларнинг изланишларида атрофлича ёритилган<sup>3</sup>. Шунингдек, ҳарбий хизматчиларда намоён бўлувчи касбий зўриқишлар ва стресс ҳолатига оид айрим масалаларни эса, тадқиқотчилардан А.В. Ответчиков, С.Т.Жаркин, А.М.Жуков, И.Ю.Кобозев, В.А.Пономаренко, М.Ю.Петрова, Ю.Е.Маряшин, И.С.Ковальчук, В.М.Бурыкина, В.К.Семенцов,

---

<sup>2</sup>Arnold M. Stress and emotion New York, 2001; M.G. Friedman Men under stress / R.R. Grinker, P. Spiegel. - Philadelphia: Blakiston, 2002. - 484 p.; Folkman S. Stress: appraisal and coping. – Springer New York, 2013. – P.113; Pole S.N. Fear-potentiated startle and posttraumatic stress symptoms in urban police officers / N. Pole, T. C. Neylan, S. R. Best, S. P. Orr, C. R. Marmar // J. Traum. Stress – 2003. – Т. 16 – № 5 – 471–479с.; 44. Селье Г. «Стресс без дистресса». М.Прогресс, вт.изд.2006. – 226 с.

<sup>3</sup>Апчел В.Я., Цыган В.Н. Стресс и стрессустойчивость человека. СПб.,1999. – 226 с; 65.Китаев-Смык, Л.А. Психология стресса. Психологическая антропология стресса [Текст] / Л.А. Китаев-Смык. - М.: Издательство "Академический Проект", 2009. - 943 с; Грабовский И.В. Мотивационная готовность молодых офицеров к военной службе: учебно-методическое пособие / И.В. Грабовский. – М.: Военный ун-т, 2004– 141с.

О.В.Самофалова, С.В.Улыбин, А.П.Булка, А.Г.Маклаков каби олимларнинг ишларида кўпроқ учратиш мумкин<sup>4</sup>.

Мамлакатимиз психолог олимларидан Э.Ғ.Ғозиев, Р.С.Самаров Л.С.Турсунов, А.И.Расулов, Л.У.Равшановлар ўз тадқиқотларида ҳарбий фаолият, ҳарбий психология модели, замонавий ҳарбий хизматчи имижини, ҳарбий психодиагностика каби масалаларга кенг эътибор қаратиб, биз тадқиқ этаётган муаммонинг айрим жиҳатларига ҳам тўхталиб ўтганлар<sup>5</sup>.

Юқоридаги олимлар томонидан олиб борилган илмий изланишлар жараёнида маълум натижаларга эришилган бўлсада, бироқ бўлажак офицерларда касбий зўриқишларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиш ҳамда уларни келтириб чиқарувчи омилларни тадқиқ этиш юзасидан етарлича илмий тадқиқотлар ўтказилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А-1-85-“Таълимда менежмент ва маркетингнинг ижтимоий-психологик жиҳатларини ишлаб чиқиш” илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бўлажак офицерларда касбий зўриқишларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиш ҳамда уларни келтириб чиқарувчи омилларни тадқиқ этишнинг услубий таъминотини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

касбий зўриқишни тавсифловчи ижтимоий-психологик омилларнинг асаб тизими хусусиятлари ўртасидаги боғлиқлигини асослаш;

ҳарбий жамоадаги психологик хусусиятларнинг таҳлил этиш асосида рухий зўриқишларни келтириб чиқарувчи психологик хусусиятларнинг таъсир коэффициентини аниқлаш;

касбий зўриқишларини тадқиқ этиш асосида бўлажак офицерларнинг касбий фаолиятига таъсир этувчи ижобий ва салбий психологик омилларни аниқлаш;

бўлажак офицерларнинг касбий зўриқишларини тезкорлик билан аниқлашга имкон берувчи диагностик усулни такомиллаштириш;

бўлажак офицерларини хизмат фаолиятдаги вужудга келадиган касбий зўриқишларни ижтимоий-психологик ҳолатини аниқлаш моделини ишлаб чиқиш.

---

<sup>4</sup> Ответчиков А.В. Психические состояния военнослужащих в особых условиях ведения боевых действий. М.: ГА ВС, 1991. С. 112; Маряшин, Ю.Е. Причины снижения функциональных возможностей военнослужащих опасных профессий / Ю.Е. Маряшин, Л.С. Малащук //Воен.-мед. журн. – 2016. – № 2. – С. 68–70; Улыбин С.В. Динамика развития военно-профессиональной мотивации у курсантов военных институтов: автореф. дис. ... канд. психол. наук / С.В. Улыбин.– М, 2010 – 29 с.

<sup>5</sup> Ғозиев Э.Ғ., Мамедов К.Қ. Касб психологияси.–Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 2003.-34 б; 104.Самаров Р. Мудофавий фаолият: Назарий ёндошувлар.Т. 2017. – 164 б; Л.С.Турсунов, А.И.Расулов, Ф.А.Чориев, А.Девяткин. Ҳарбий психологларни тайёрлаш модели.–Т.: ЎзМУ, 2016.- 49 б; Равшанов Л.У. Психологические аспекты военной службы / III Международной научно-практической конференция вопросы развития мировых научных процессов. – Россия, 2019. – С. 36-39.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академияси, Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий авиация билим юрти ва Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юрти битирувчи босқич курсантларидан иборат 240 нафар респондентлар жалб қилинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни бўлажак офицерларда касбий зўриқишларнинг намоён бўлиши ва унга сабаб бўлувчи ижтимоий-психологик омилларнинг таъсир этиш хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни амалга оширишда И.Д.Ладанов ва В.А.Уразаеваларнинг “Шахс фаолиятида зўриқиш омилларининг экспресс диагностикаси” методикаси, Я.Стреляунинг “Шахсда темперамент хусусиятларини ўрганиш” сўровномаси, Фрайбургнинг “Шахс хусусиятларини ўрганиш” сўровномаси ва Джеймсом Амирхоннинг “Шахс копинг индикатор кўрсаткичлари” сўровномалари ҳамда маълумотларни қайта ишлашнинг математик статистика усуллари, яъни Стъюдентнинг t-мезони, К.Пирсон корреляция коэффициенти, факторли ва дискриминант анализ усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бўлажак офицерларнинг хизмат фаолиятида психологик хусусиятларнинг таъсир коэффициентларини аниқлаган ҳолда бўлинмадаги руҳий юкламаларни номутаносиблиги сабабли ўз жонига қасд қилиш, буйруқларни бажаришдан бош тортиш ва хизматдан бўйин товлаш каби салбий ҳолатларни олдини олиш учун қатъиятлилиқ, мардлик, ижтимоий фаоллик, бўйсунувчанлик ва вазминлик хусусиятлари асосий омил эканлиги исботланган;

ҳарбий бўлинмадаги ижтимоий-психологик муҳитни психодиагностика қилиш учун илк бор психо-дифференциал дастурлаш асосида экстремал вазиятларда бўлажак офицерларнинг руҳий зўриқишларини тезкорлик билан аниқлашга имкон берувчи экспресс диагностика усули такомиллаштирилган;

хизмат фаолиятида руҳий тушкунликка тушган ҳарбий хизматчиларни депрессиядан чиқиш учун ижобий-касбий фаолиятни таъминловчи психологик омилларни ривожлантириш ва жанговар руҳий юкламаларни босқичма-босқич ошириб боришнинг психологик барқарорлиги асосланган;

экстремал вазиятларда ҳарбий хизматчиларнинг психологик зўриқишларини барвақт олдини олиш учун улардаги руҳий зўриқишларнинг интенсив стресснинг таъсир даражаларини аниқлаш ва руҳий тайёргарлигини тоифалашга имкон берувчи “Ёш офицерларнинг ижтимоий-психологик ҳолатини аниқлаш модели” ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ҳарбий хизматчиларнинг касбий зўриқишларни келтириб чиқарувчи ижобий ва салбий психологик хусусиятлар аниқланган;

бўлажак офицерларда касбий зўриқишларни намоён бўлишининг ижтимоий-психологик омилларини аниқлаш орқали улардаги касбий малакаларнинг психологик жиҳатдан шаклланиши ва барқарор кечишида юзага келган ўзгаришлар аниқланган;



бўлажак офицерларнинг хизмат фаолиятида юзага келадиган руҳий зўриқишларни тезкорлик билан аниқлашга имкон берувчи электрон психодиагностик дастур такомиллаштирилган;

ҳарбий хизматчиларнинг руҳий зўриқишларни олдини олиш бўйича амалий жиҳатдан қўлланилиши мумкин бўлган психодиагностик тадқиқот натижалари ишлаб чиқилган ва амалий психологик фаолиятда қўллаш учун тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот иши жараёнида тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги, аввало, тадқиқотда қатнашган синалувчиларнинг мос равишда танлаб олинганлиги, олинган амалий натижаларнинг илмий жиҳатдан асосланганлиги, жаҳон психологияси тажрибалардан кўп маротаба ўтказилган методика ва сўровномалардан фойдаланилганлиги, олинган амалий натижалар назарий томондан асослаб берилганлиги, амалий натижалар миқдорий кўрсаткичларнинг математик-статистиканинг ишончли усуллари ёрдамида таҳлил қилинганлиги, хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги ҳамда жамоатчилик ўртасида олинган натижалар етакчи олимлар иштирокида муҳокама қилингани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, ёш офицерлар хизмат фаолиятида намоён бўлувчи касбий зўриқишлар профилактикасига оид назарий ҳамда амалий жиҳатдан янги маълумотлар билан бойитилган бўлиб, унда касбий психология, ҳарбий психология, психодиагностика, ижтимоий психология, экстремал вазиятлар психологияси тармоқлари билан ўзаро алоқадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Қўлга киритилган натижалар ушбу муаммонинг методологик асосларини такомиллашувига ва бўлажак офицерларнинг касбий зўриқишларни енга олишга ва ҳарбий хизмат фаолиятида янада самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалий аҳамияти эса Мудофаа вазирлиги тизимида психологик хизматни ташкил этишда, ҳарбий хизмат фаолиятига қабул қилиш жараёнида ҳарбий хизматчиларда хизмат фаолиятида юзага келадиган қийинчиликларни бартараф этишда, хизмат жараёнида жисмоний ва руҳий юкламаларни руҳий зўриқишларсиз бажаришга имкон беради. Тадқиқот натижалари юзасидан ишлаб чиқилган хулоса ва тавсиялар асосида ҳарбий қисмлардаги ҳарбий психологлар, тарбиявий ва мафкуравий ишлар органи офицерлари, бўлинма командирлари, олий ҳарбий таълим муассасалари ўқитувчи ва профессорлари томонидан кенг фойдаланилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бўлажак офицерларда касбий зўриқишлар намоён бўлишининг ижтимоий-психологик омиллари бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари асосида:

бўлажак офицерларнинг хизмат фаолиятида психологик хусусиятларнинг таъсир коэффициентларини аниқлаган ҳолда бўлинмадаги руҳий юкламаларни номутаносиблиги сабабли ўз жонига қасд қилиш, буйруқларни бажаришдан бош тортиш ва хизматдан бўйин товлаш каби

салбий ҳолатларни олдини олиш учун қатъиятлилик, мардлик, ижтимоий фаоллик, бўйсунувчанлик ва вазминлик хусусиятлари асосий омил эканлигини аниқлашнинг услубий таъминоти Мудофаа вазирлиги кўшинларида психологик ишларни ташкиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири ўринбосарининг 2021 йил 23 мартдаги 14/777 сон маълумотномаси). Натижада, ёш офицерлардаги касбий зўриқишларни барвақт олдини олишга ва хизмат самарадорлигини янада оширишга эришилган;

ҳарбий бўлинмадаги ижтимоий-психологик муҳитни психодиагностика қилиш учун илк бор психо-дифференциал дастурлаш асосида экстремал вазиятларда бўлажак офицерларнинг руҳий зўриқишларини тезкорлик билан аниқлашга имкон берувчи экспресс диагностик усули ҳарбий психологлар фаолиятида қўллаш учун тавсия этилиб, амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири ўринбосарининг 2021 йил 23 мартдаги 14/777 сон маълумотномаси). Натижада Мудофаа вазирлиги кўшинларидаги ҳарбий психологларни услубий таъминотини такомиллаштирилишига эришилган;

хизмат фаолиятида руҳий тушкунликка тушган ҳарбий хизматчиларни депрессиядан чиқиш учун ижобий-касбий фаолиятни таъминловчи психологик омилларни ривожлантириш ва жанговар руҳий юкламаларни босқичма-босқич ошириб боришнинг илмий асослари кўшинларнинг жанговар шайлигини ошириш мақсадида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири ўринбосарининг 2021 йил 23 мартдаги 14/777 сон маълумотномаси). Натижада, Мудофаа вазирлиги кўшинларида жанговар тайёргарлик машғулотларини самарадорлигини янада оширишга эришилган;

экстремал вазиятларда ҳарбий хизматчиларнинг психологик зўриқишларини барвақт олдини олиш учун улардаги руҳий зўриқишларнинг интенсив стресснинг таъсир даражаларини аниқлаш ва руҳий тайёргарлигини тоифалашга имкон берувчи “Ёш офицерларнинг ижтимоий-психологик ҳолатини аниқлаш модели”нинг илмий-услубий таъминоти Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги барча олий ҳарбий таълим муассасаларидаги ҳарбий психологлар томонидан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири ўринбосарининг 2021 йил 23 мартдаги 14/777 сон маълумотномаси). Натижада барча ҳарбий қисм ва муассасалар ҳарбий психологлари ва тарбиявий ва мафкуравий ишлар органи офицерларининг методик таъминотини такомиллаштиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий мазмуни 2 та халқаро ва 3 та республика ва маҳаллий илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш ва 1 монография чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий

нашрларда 4 та мақола, булардан 3 та республика ва 1 таси хорижий журналларда ҳамда 4 та мақола бошқа илмий журналларда нашр этилган. Шунингдек, ЭҲМ учун яратилган 2 та дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномаси олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 125 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган, тадқиқотнинг методлари, объектлари ва предметлари аниқланган, диссертациянинг мавзуси бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси тавсифланган. Ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги очиб берилган ҳамда илмий ва амалий аҳамияти тавсифланган, натижаларнинг ишончилиги, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва тадқиқот тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Касбий зўриқишлар муаммоси психология фанининг ўрганиш предмети сифатида”** деб номланган бўлиб, унда касбий зўриқишларнинг хориж тадқиқотларида ўрганилганлик ҳолати келтирилган. Жумладан, касбий зўриқиш муаммоси ҳам психология фанининг тадқиқот мавзуси сифатида талқин қилиниши назарий манбалар асосида ёритиб берилган. Назарий таҳлил асосида касбий зўриқишларни бўлажак офицерлар тадқиқ этишда психологик хусусиятларнинг ўрни кўриб чиқилган.

Ҳарбий хизматчилардаги эмоционал танглик ва зўриқиш муаммоси кўп йиллар давомида энг қизиқарли ва шу билан бирга етарлича ўрганилмаган муаммолардан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Ҳозирги замонавий психологик адабиётларда “Психологик стресс” атамасидан ташқари, “ҳиссий стресс” атамаси ҳам қўлланилади. Ҳиссий стресс ёки зўриқиш ўз мазмунида биологик ёки ижтимоий муҳитнинг экстремал таъсирларга бирламчи жавоби ҳамда хулқ-атвор реакцияларнинг асосидаги физиологик механизмлар билан тушунтирилади.

Ю.Б.Щербатых таъкидича, зўриқиш бизни ҳамма жойда: ишда, йўлларда, жамоат жойларида, ҳатто уйда ва яқин одамлар орасида ҳам қуршаб олган. У ҳамма жойда мавжуд, ундан қочишнинг иложи йўқ, фақат инсонлар зўриқишларнинг юзага келиш сабабларини англашлари лозим саналади. Шунингдек, зўриқиш ва стрессли ҳолатлардан чиқишнинг ягона йўли бу уни моҳиятини ва юзага келиш механизмини билиш орқали унинг кечишини енгиллаштиришдир. Т.Поллак, Р.Станфредлар XX асрнинг 30-50-йилларида Г.Селье назариясини қайта ишлаб чиқиб, ҳаётий зўриқишларнинг сабаблари, функциялари, стресс ҳолатидаги ўзаро муносабатлар динамикаси каби саволларга жавоб қидиришга ҳаракат қилдилар.

М.Д.Борнева кучли зўриқиш феноменини тадқиқ этар экан, уни инсон танасининг ўзига хос гомеостатик реакцияси, яъни ташқи хавфга нисбатан ижобий ҳимоя қобилияти сифатида таърифлайди. Дж.Виткин “стрессни енгиш” тушунчасига қуйидаги таърифни беради: “зўриқишни енгишнинг сири бу вазиятни мантиғига эътибор беришга, инсон ҳаётидаги зўриқишнинг аҳамиятини тез англашга, шахснинг психологик имкониятларига ва муаммога бўлган индивидуал услубга боғлиқ”. А.Д.Законова фикрича, зўриқиш ҳолатида одатда инсондаги интеллектуал фаолиятнинг барча жиҳатлари, шу жумладан онгнинг асосий хусусиятлари, хотира жараёнлари, диққат хусусиятлари ишлашида ҳар хил ўзгаришлар кузатилади. Е.С.Жариковга фикрига кўра, салбий кечинмаларда диққат сифатларининг бузилиши биринчи навбатда, инсон миясининг ярим шарлари пўстлоғида рўй беришини айтиб ўтган.

Касбий зўриқиш борасида тадқиқот олиб борган олимлар унинг қуйидаги манбаларини ажратиб кўрсатадилар: кун тартиби; ходимнинг ташкилотдаги роли; коммуникатив омиллар; карьера қилиш қийинлиги ва ҳоказолар. Бизнингча, касбий стрессни келтириб чиқарадиган барча омилларни объектив ва субъективга бўлиш ажратиш мақсадга мувофиқдир. Стресс ҳолати инсоннинг индивидуал-психологик хусусиятларига ҳам катта таъсир кўрсатади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Бўлажак офицерларда касбий зўриқишларни тадқиқ этишнинг методологик жабҳалари”**га бағишланган бўлиб, мазкур бобда бўлажак офицерлардаги касбий зўриқишларни олдини олишга доир илмий ёндашувлар, касбий зўриқишларнинг методологик масалалари, ёш офицерларнинг касбий зўриқишларни ўрганиш даражаларини ўзига хослиги, касбий зўриқишларни олдини олишда касбий сифатларнинг роли ва ижтимоий муносабатларнинг курсантлар касбий қобилиятларини шаклланишига таъсири каби жиҳатлар кўриб чиқилган.

Шунингдек, касбий зўриқишлар масаласига оид хориж психологларининг назарий қарашларини тадқиқ этишнинг методик таъминоти таҳлилий материаллар асосида баён қилиб берилган. Бундан ташқари, бўлажак офицерлардаги касбий зўриқишларни бартараф қилувчи муносабатлар илмий жиҳатдан асосланган, командир буйсунувчи билан хизмат муносабатларидаги касбий зўриқишларнинг ўзига хослиги келтириб ўтилган.


**“Бўлажак офицерларда касбий зўриқишлар намоён бўлишининг ижтимоий-психологик омиллари эмпирик тадқиқи”** деб номланган диссертациянинг учинчи боби бўлажак офицерларда касбий зўриқишларни ўлчашга имкон берувчи методикаларни тавсифлаш, касбий зўриқишларнинг ўзига хослик жараёни, курсантларда руҳий зўриқишларни белгиловчи асосий компонентлар ҳамда касбий зўриқишлар, нерв кўзғалиш кучи, копинг индикатор кўрсаткичлар ва индивидуаллик хусусиятлари ўртасидаги корреляцион алоқадорлик омилларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотимизда бўлажак офицерлардаги руҳий зўриқишларни келтириб чиқарувчи психологик омилларни ўрганиш учун И.Д.Ладанов ва В.А.Уразаеваларнинг “Шахс фаолиятида зўриқиш омилларининг экспресс

диагностикаси” методикаси, Я.Стреляунинг “Шахда темперамент хусусиятларини ўрганиш” сўровномаси, Фрайбургнинг “Шахс хусусиятларини ўрганиш” сўровномаси ва Джеймсом Амирхоннинг “Шахс копинг индикатор кўрсаткичлари” каби сўровномалардан фойдаланилди. Методика ва сўровномалардан олинган эмперик натижалар ўртасида факторли ва дискриминант таҳлил ҳамда корреляцион алоқадорлик жиҳатлари ҳам аниқланди.

1-жадвал

**Шахс фаолиятида зўриқиш омилларининг экспресс  
диагностикасини ўрганиш сўровномаси умумий ўртача кўрсаткичлари  
(Стъудентнинг t-мезони бўйича)**




Бўлажак офицерларда касбий зўриқишларни келтириб чиқарувчи психологик омиллар ва уни бартараф этиш усулларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, шахс фаолиятида зўриқиш омилларининг экспресс диагностикаси сўровномасининг умумий ўртача кўрсаткичлари биринчи шкала бўйича яъни низолашувчанлик курсантларда 2,31 натижани ташкил этгани ва бу стандарт меъёр бўйича қуйи миқдорни қайд этгани намоён бўлди. Ҳаддан ташқари зўриқиш шкаласига кўра, шахсда психологик жиҳатдан ҳаддан ташқари зўриқиш мавжудлиги 1,68 ни ташкил қилганлиги, бу эса курсантларда ҳаддан ташқари зўриқиш деярли йўқлигидан далолат беради. Учинчи шкала фаолият доирасида зўриқиш шкаласи бўйича курсантларнинг даражалари 1,90 нисбатни ташкил қилган. Бу шкала бўйича курсантларнинг олган натижалари сўровнома меъерий кўрсаткичига кўра, қуйи натижани кўрсатган.

Бўлажак офицерлар хизмат фаолият доирасида зўриқиш шкаласи бўйича қуйи натижани намоён қилганлиги, уларда келгуси ҳарбий фаолиятида вужудга келувчи тўсиқларни осонлик билан бартараф қилиш кўникмаси пайдо бўлганлиги билан белгиланади. Тўртинчи шкала яъни командир билан боғлиқ муносабатлардаги зўриқиш шкаласи бўйича олинган натижалар 2,21 ни ташкил қилган. Бу эса, курсантларда командир билан боғлиқ муносабатлардаги омиллар паст натижани кўрсатганлиги ва иш фаолияти давомида ўзаро келишувни ўрната олишлари, командирнинг буйруқларини

сўзсиз бажаришга ва ҳарбий фаолиятда субъектив локал назоратнинг ўрнатилганлиги билан алоҳида характерланади. Курсантлардан олинган натижалар шахс фаолиятида зўриқиш омилининг экспресс диагностикаси сўровномаси бўйича умумий ўртачага кўра, зўриқиш омили паст даражада эканлигини кўрсатган.

2-жадвал


### Стреляу сўровномаси бўйича умумий ўртача кўрсаткичлар (Стюдентнинг t-мезони бўйича)



Бўлажак офицерларда касбий зўриқишларнинг ижтимоий-психологик омиллари юзасидан олинган тадқиқот натижалардан маълум бўлишича, курсантларнинг кўрсаткичлари ўзига хос нисбатни келтириб чиқарган. Аввало, Стреляу шахс сўровномасидан олинган тадқиқот натижаларидан маълум бўлишича, курсантларнинг стандарт нормага кўра, биринчи шкала яъни кўзғалиш кучи даражаси 75,68 ни ташкил этган. Бу эса, кўзғалиш кучи курсантларда юқори эканлигини кўрсатди. Кўзғалиш кучи шахсларда психологик жиҳатдан фаоллигига кўра узоқ вақт давомида фаол хизмат олиб бориш имкониятига эгаллиги билан фарқланади. Курсантларда хизмат вазифасини бажаришга бурч ва масъулияти юқори эканлигини англатади.


Тормозланиш кучи шкаласи бўйича курсантларда меъёрий кўрсаткичларга нисбатан 66,98 ўрта даражада эканлиги аниқланди. Курсантларда тартиб ва қоидаларни бажаришда руҳий зўриқишларни келиб чиқиши, улардаги тормозланиш кучини келтириб чиқариши мумкин. Ҳаракатланиш кучи шкаласи бўйича ҳам курсантлар стандарт кўрсаткичлар бўйича 75,50 даража билан юқори натижаларни қайд этган. Тўртинчи шкала мувозанатлашганлик кучи бўйича олинган натижалар 86,46 ни ташкил этган. Бу эса, кўзғалишга нисбатан мувозанат етакчилик қилганини кўрсатади.

### Копинг индикатор сўровномаси умумий ўртача кўрсаткичлари (Стюдентнинг t-мезони бўйича)



Бўлажак офицерларнинг копинг индикатор кўрсаткичи бўйича умумий ўртача коэффиценти биринчи шкала бўйича муаммони еча олиш 28,58 миқдор билан ўрта даражани ташкил этганлигини кўриш мумкин. Яъни курсантларда қўйилган вазифани бажара олиш даражаси ўрта эканлиги, уларда маълум бир вазифани бажарганда, улар мустақил ҳал эта олиш имкониятига эга эканлигини кўрсатган. Иккинчи шкала бўйича ижтимоий қўллаб-қувватлашни қидириш ҳам ўрта даражада 19,96 қийматни намоён қилганлиги, курсантлар инсонлар билан муносабатларни амалга ошириши жараёнида атрофдаги инсонлардан ёрдам олиш даражаси тўлақонли бошқаларга суяниб қолмаслигидан далолат беради. Учинчи шкала бўйича муаммодан қочиш 19,38 нисбатни қайд этганлиги ва бу натижа стандарт меъёрга кўра, ўрта даражани кўрсатиши, улар ҳаётини қийинчиликлар ва вазиятлардан қочишга ўзларида барқарор иммунитетни ҳосил қилганлигини аниқлаши билан алоҳида характерланади. Тўртинчи шкала бўйича курсантларнинг самимийлик яъни, танқидий тафаккурнинг ривожланганлиги шкаласи натижалари 20,36 натижа билан умумий ўртача миқдорни ташкил қилган. Бу эса шуни кўрсатадики, берилган сўровномани мазмун-моҳиятини тўғри равишда англаб ета олган ва сўровномани ишлаш жараёнида берилган мулоҳазаларга нисбатан ўрта даражада ўзларининг ҳолатини объектив тарзда баҳолаганлар.

### Шахс хусусиятларини ўрганиш сўровномаси умумий ўртача кўрсаткичлари (Стюдентнинг t-мезони бўйича)



Тадқиқотдан олинган натижаларнинг бўлажак офицерларда ўтказилиши кейинги касбий фаолият жараёнида уларда юзага келадиган қийинчиликларни қай тарзда баҳолай олиши ва индивидуаллик хусусиятларини тавсифлашга қаратилган. Фрайбург сўровномаси натижалари шуни кўрсатадики, бўлажак офицерларнинг индивидуаллик хусусиятлари бўйича умумий ўртача кўрсаткичлари биринчи шкала асабийлашганлик курсантларда 2,96 натижани қайд этиши ва бу стандарт меъёр бўйича қуйи миқдорни қайд этгани аниқланган. Бунга кўра, курсантларда иш билан боғлиқ фаолиятда асабийлашиш даражаси паст эканлиги билан баҳоланади. Иккинчи ўз-ўзидан пайдо бўладиган тажовузкорлик шкаласига кўра, курсантларнинг натижалари 2,34 нисбатни қайд этганлиги ва бу курсантларда тасодифан тажовузкорлик ҳолати пайдо бўлмаслигини англатади. Учинчи шкала бўйича яъни руҳий сиқилиш бўйича бўлажак офицерларнинг даражаси 2,82 ни ташкил қилган. Бу кўрсаткич ҳам стандарт меъёрга кўра, паст эканлиги билан алоҳида характерланади. Тўртинчи шкала яъни жиззакилик бўйича курсантларнинг олган натижалари 4,16 қийматни ташкил қилганлиги ва бу даража курсантларда касбий фаолиятда жиззакилик ўртачадан паст эканлигини англатади. Бешинчи шкала бўйича курсантларнинг олган натижалар 9,38 қийматни намоён қилган. Курсантларда касбий фаолият ёки бошқа инсонлар билан муносабатларни амалга оширишда мулоқотчанлик ўрта даражани



ташкил қилиши ва курсантлар ҳам коммуникатив алоқага киришганда суҳбатдошини тушуна олишини билдиради.

Навбатдаги шкала яъни босиқлик 4,70 даражани ташкил қилган. Босиқлик курсантларда стандарт меъёр бўйича ўрта даражани ташкил қилганлиги ва бу эса қўйилган вазифаларни босиқлик ва диққат билан бажаришни кўрсатиб беради. Кейинги ўта тажовузкорлик шкаласи бўйича курсантларнинг олган натижалари 3,76 миқдорни кўрсатганлиги ва бу эса уларда тажовузкорликнинг юқори даражаси деярли йўқ эканлиги билан акс эттирилади. Тортинчоқлик шкаласи бўйича курсантларнинг олган қийматлари 2,82 миқдорни ташкил қилган. Курсантларда тортинчоқлик даражаси қуйи эканлигини кўрсатганлиги ва уларга бериладиган топшириқларни сўзсиз бажариши ҳамда хизматдошлари билан бирданига муносабатларга киришиб кетавермаслигидан дарак беради.

Кейинги очиклик-ошкоралик шкаласи бўйича курсантларнинг натижалари 5,28 ни кўрсатганлиги, курсантлардаги фаолият даражаси бирор-бир ҳаракатни бажариш учун ўйлаб ўтирмасдан тезда киришиш кераклиги ва ҳеч нарсани яширмасдан ошкора бажариши билан изоҳланади. Экстроверция-интроверция шкаласига кўра, курсантларнинг даражаси 6,46 миқдорни ташкил қилганлиги ва улар стандарт меъёр кўрсаткичига кўра, интроверт типига мансублиги натижалардан кўринган. Курсантларнинг интровертлиги, улар бошқалар билан тез муносабатларни амалга ошира олмаслиги, мулоқотдошининг кечинмаларини олдиндан тез пайқай олмаслиги ва кўпроқ ёпиқ типдаги шахс сифатида алоҳида характерланиши намоён бўлганлигини кўриш мумкин. Таъсирчанлик-ўзгарувчанлик шкаласи бўйича курсантларнинг натижалари 3,94 даражани кўрсатганлиги ва натижа бўлажак офицерларда тез таъсирга берилиш, тезкор қарорларни қабул қилиш ва жуда тезлик билан ўзгариб қолиши паст эканлиги натижалардан акс этган. Мардлик шкаласига кўра, курсантларнинг тўплаган натижалари 7,10 ни кўрсатган. Бу шкала бўйича курсантлар стандарт меъёр бўйича мардлик шкаласи уларда ўртачадан юқори эканлиги ва олий ҳарбий таълим муассасалари ўқув жараёнлари ва ҳарбий машғулотларга нисбатан бардошли қилиб шаклланиши бу нисбатни ташкил қилган.

5-жадвал

**Касбий зўриқиш омили, нерв қўзғалиш кучи ва копинг индикатор кўрсаткичлар сўровномалари даражасининг факторли анализ кўрсаткичлари**

Шкалалар	Факторлар			
	1	2	3	4
ҳаракатланиш кучи	0,763	0,423	-0,114	0,138
тормозланиш кучи	-0,710	0,539	-0,222	0,191
қўзғалиш кучи	0,648	0,522	-0,227	
мувозанатлашганлик	0,631	-0,304	-0,216	0,115

хизмат фаолияти доирасида зўриқиш	-0,469	0,695		
командир билан муносабатлардаги зўриқиш	-0,402	0,606	0,105	0,313
низолашувчанлик	-0,287	0,573		-0,495
ҳаддан ташқари зўриқиш	-0,465	0,482	0,267	0,372
муаммодан қочиш	0,151	-0,119	0,774	
муаммони ечиш	0,300		0,604	0,515
самимийлик	0,498		0,557	-0,269
ижтимоий кўмак	0,412	0,404	0,355	-0,482

Тадқиқотдан олинган натижалар шуни намоён қилдики, курсантларнинг шахсда касбий зўриқишлар омилининг экспрессив диагностикаси, нерв қўзғалиш кучи ва копинг индикатор кўрсаткичларни ўрганиш сўровномалари натижалари ва улардаги ўзаро ижтимоий-психологик хусусиятларни қай тарзда йўлга қўйилишини белгилаб берувчи механизм саналади. Синалувчилар натижалари факторли анализ бўйича кўрсаткичлар 4 та компонентга бирлашди. Биринчи шкалани ташкил этган психологик факторлар: ҳаракатланиш кучи 0,763, тормозланиш кучи 0,710, қўзғалиш кучи 0,648, мувозанатлашганлик кучи 0,631, фаолият доирасида зўриқиш 0,469, ҳаддан ташқари зўриқиш 0,465 ва самимийлик яъни танқидий тафаккур 0,498 каби натижалар билан ўзаро фарқланди. Иккинчи шкалани ташкил этган психологик факторлар: тормозланиш кучи 0,539, қўзғалиш кучи 0,522, фаолият доирасида зўриқиш 0,695, командир билан муносабатлардаги зўриқиш 0,606, низолашувчанлик 0,573 ва ҳаддан ташқари зўриқиш 0,482 натижа билан алоҳида характерланади. Учинчи шкалани ташкил этган психологик омиллар: муаммодан қочиш 0,774, муаммони ечиш 0,604 ва самимийлик яъни танқидий тафаккур 0,557 даража билан қайд этилди. Тўртинчи шкалани ташкил қилган психологик бирликлар: низолашувчанлик 0,495, муаммони ечиш 0,515 ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни қидириш 0,482 каби психологик хусусиятлар билан фарқланди. Синалувчиларнинг тўплаган қийматлари тўртта факторларга бирлашганлиги ва бу факторлар сўровномадаги асосий қийматлар ва аҳамиятли фарқларни белгиловчи асосий хусусиятларни ташкил этмоқда.

6-жадвал

**Индивидуаллик хусусиятларини ўлчаш сўровномаси даражасининг факторли анализ кўрсаткичлари**

Шкалалар	Факторлар				
	1	2	3	4	5
тортинчоқлик	0,706		-0,348	0,375	
асабийлашганлик	0,695	0,256		-0,185	
руҳий сиқилиш	0,660	0,152		0,273	-0,424

ўта тажовузкорлик	0,619	0,234	0,129	-0,208	-0,316
очиклик-ошкоралик	0,582	0,376	0,377	0,302	
таъсирчанлик-ўзгарувчанлик	0,577	-0,509	-0,275	-0,272	
мулоқотчанлик	-0,533	0,436	0,315	0,394	
мардлик	-0,118	0,782	-0,260		0,281
ўзидан пайдо бўладиган тажовузкорлик	0,366	0,596	0,109	-0,538	0,234
экстраверция-интроверция	0,290	-0,298	0,755		
жиззакилик	0,525		-0,232	0,383	0,555
вазминлик	0,174	-0,359	0,400	-0,141	0,515

Бўлажак офицерларда касбий зўриқишлар намоён бўлишининг ижтимоий-психологик омилларига доир изланишларимизга аниқлик киритиш давомида ҳозирги кунда ҳар бир ҳарбий хизматчи ҳаётида турли хил даражадаги психологик хусусиятлар таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Шу жиҳатдан биз бўлажак офицерларда ўқув ва хизмат фаолиятида уларга таъсир қиладиган индивидуаллик хусусиятларининг ўртасидаги факторли таҳлилни ташкил қилган психологик бирликлар қуйидагича намоён бўлганини кўришимиз мумкин. Синалувчилар натижалари факторли анализ бўйича кўрсаткичлар 5 та компонентга бирлашганлиги намоён бўлди. Биринчи шкалани ташкил этган психологик факторлар: тортинчоқлик 0,706, асабийлашганлик 0,695, рухий сиқилиш 0,660, ўта тажовузкорлик 0,619, очиклик-ошкоралик 0,582, таъсирчанлик-ўзгарувчанлик 0,577, мулоқотчанлик 0,533 ва жиззакилик 0,525 каби натижалар билан ўзаро фарқланди. Иккинчи шкалани ташкил этган психологик факторлар: таъсирчанлик-ўзгарувчанлик 0,509, мардлик 0,782 ва ўз-ўзидан пайдо бўладиган тажовузкорлик 0,596 натижа билан алоҳида характерланади. Учинчи шкалани ташкил этган психологик омиллар: экстраверция-интроверция 0,755 даража билан алоҳида характерланган. Тўртинчи шкалани ташкил қилган психологик бирликлар: ўз-ўзидан пайдо бўладиган тажовузкорлик 0,538 билан ўзаро фарқли имкониятларни ҳосил қилди. Бешинчи шкалани ташкил қилган психологик бирликлар: жиззакилик 0,555 ва вазминлик 0,515 каби психологик хусусиятлар билан ажралиб турганлигини кўришимиз мумкин. Бўлажак офицерларнинг тадқиқотдан олган натижалари бешта факторларга бирлашганлиги ва бу факторлар сўровномадаги асосий аҳамиятли натижалар ва кўрсаткичларни белгиловчи индикаторларни ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин.

7-жадвал

**Касбий зўриқиш омили, нерв қўзғалиш кучи, копинг индикатор кўрсаткичлар ва индивидуаллик хусусиятлари сўровномалари даражасининг дискриминант анализ кўрсаткичлари**

Шкалалар	Қутблар
	1
низолашувчанлик	0,220
ҳаддан ташқари зўриқиш	-0,072
фаолият доирасида зўриқиш	-0,135
командир билан муносабатлардаги зўриқиш	-0,073
қўзғалиш кучи	-0,527
тормозланиш кучи	0,174
ҳаракатланиш кучи	-0,009
мувозанатлашганлик	0,240
муаммони ечиш	-0,160
ижтимоий кўмак	0,065
муаммодан қочиш	0,011
самимийлик	0,190
асабийлашганлик	0,131
ўзидан пайдо бўладиган тажовузкорлик	0,317
руҳий сиқилиш	0,071
жиззакилик	-0,279
мулоқотчанлик	-0,591
вазминлик	0,065
ўта тажовузкорлик	-0,724
тортинчоқлик	0,294
очиклик-ошқоралик	0,324
экстрроверция-интроверция	-0,084
таъсирчанлик-ўзгарувчанлик	0,253
мардлиқ	0,537

Бўлажак офицерларда касбий зўриқишлар намоён бўлишининг ижтимоий-психологик омиллари юзасидан ўтказилган тадқиқот натижаларидан намоён бўлдики, дискриминант таҳлил бўйича курсантларнинг сўровномаларга берган муносабатлари орқали улардаги психологик хусусиятларни салбий ва ижобий қутбларга ажратиш билан алоҳида характерланади.

8-жадвал

